O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
KARMANA TUMANI
HOKIMINING
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
КАРМАНИНСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Karmana t. "Talqoq" MFY
"30" сентября 2019 y (г).  № Ҳ-1566

Карманинский р. М.С.Г."Талкок"

**Кармана туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан тумандаги умумтаълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида**

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-бандига асосан туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Кармана туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман ҳокими ўринбосари (Э.Кенжаев), туман халқ таълими бўлими (З.Остонов), тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Белгилансинки, тумандаги умумтаълим муассасалар раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисобланади.

4. Маҳаллалар кенгаши туман бўлинмаси (Д.Холов)га маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим муассасаларга амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор "Кармана овози" газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Э.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

O'zbekiston Respublikasi Navoiy viloyati Karmana tuman hokimligi * QARORLAR UCHUN

**Туман ҳокими** **Ф.Умаров**

Туман ҳокимининг
2019 йил "30" Сентябрь
166 -сонли қарорига
илова

Кармана туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)

**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Мактаб рақами | Белгиланган микроучасткадаги маҳалла ва кўча номлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1 | 1-мактаб | **"Кўҳна-Қўрғон"маҳалласи:** Янги обод, Қўрғонтепа,Усто Ширин, Зарафшон, Мирзачорбоғ, Жасорат, Беруний, Ибн Сино, Кўҳна-Қўрғон, Дўстлик, Ёшлик кўчалари<br>**"Деҳқон"маҳалласи:**Бунёдкор, Гулзор, Мададкор, Тошкент, Деҳқон, 8-март, Кармана кўчалари | |
| 2 | 2-мактаб | **"Деҳқон"маҳалласи:** Али Қушчи, Каттақўрғон, Деҳқон кўчалари<br>**"А.Навоий" маҳалласи:** Наврўз, Чўлпон, Ойбек, Кармана, Низомий, Муқимий, Умид, Ғ.Ғулом, Гагарин, Фарғона, Темур малик, Гулбоғ А.Дониш кўчалари<br>**"Мир Саид Баҳром" маҳалласи:**Қори Ниёзий, Машраб, А.Темур, Фаробий, Самарқанд, Шарқ кўчалари | |
| 3 | 3-мактаб | **"Дўрмон" маҳалласи:** Зиёкор, Ҳунармандлар, Камолот йўли, Тадбиркорлар, Ифтихор, Саховат, Туркман, Барҳаёт, Боғишамол, Янги ҳаёт кўчалари<br>**"Қаҳрамон" маҳалласи:** Баҳор, Наврўз, Олмазор, Баркамол авлод, Ўзбекистон, Буюк ипак йўли, Обод маҳалла, Ёш авлод, Дўрман, Зарафшон, Дўстлик кўчалари | |
| 4 | 4-мактаб | **"Айрончи" маҳалласи:** барча қишлоқ ва кўчалари<br>**"Катта мачит" маҳалласи:** барча қишлоқ ва кўчалари<br>**"Уйрот"маҳалласи:** Тама,Сийроқ (бир қисми) қишлоқлари<br>**"Хончорбоғ"маҳалласи:** Ғолиб ф/х ҳудуди | |
| 5 | 5-мактаб | **"Бишкент" маҳалласи:** Роҳат, Баҳор, Бишкент, Абдулла Қаҳҳор, Ислом Каримов кўчалари<br>**"Деҳқон" маҳалласи:**Тошкент кўчаси | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | **“Фарход” маҳалласи:**Ширин,Фарход кўчалари<br>**“Мир Саид Баҳром” маҳалласи:** Фитрат, Кўклам, М.С.Баҳром, М.Улуғбек, Гагарин кўчалари<br>**“А.Навоий” маҳалласи:** Охунбобоев, Мукимий, Ғ.Ғулом кўчалари<br>**“Талқоқ” маҳалласи:** Кулоллар, Талқоқ, Чуқурак кўчалари, Камолот уйлари, Янги ва Лўбатон катежлар<br>**“Кўҳна Қўрғон” маҳалласи:** Янги обод кўчаси | |
| 6 | 6-мактаб | **“Варқ”маҳалласи:** Варқ,Обранон,Сангвур,Чоркалла кўчаси, Қиёт кўчалари | |
| 7 | 7-мактаб | **“Арғун”маҳалласи:** Арғун, Хўжа-хайрон қишлоқлари<br>**“Янги ариқ” маҳалласи:** Янгиариқ, Қизилтом қишлоқлари | |
| 8 | 8-мактаб | **“Камолот” маҳалласи:** Уста Олим, Боғ, Навоий, Камолот, Тинчлик, Нурота, Ибн Сино, Боғишамол, Алпомиш, Истиқбол, Ўзбекистон, Равнақ, Бобур, Лангар, Нурафшон, Афросиёб кўчалари ва Камолот намунавий уйлар массиви | |
| 9 | 9-мактаб | **“Хазора” маҳалласи:** Тошработ, Боғот, Чорвадор қишлоқлари<br>**“Паҳлавон” маҳалласи:**Айрончи, Қумариқ, Явон мачит қишлоқлари | |
| 10 | 10-мактаб | **“Янгиобод” маҳалласи:** Янгиобод, Урганжи, Чуют-1, Чуют-2, Яндашобод қишлоқлари<br>**“Уйрот” маҳалласи:** Уйрот, Сийроқ қишлоқлари | |
| 11 | 11-мактаб | **“Ёшлик”маҳалласи:** Гулчилар-1, Гулчилар-2, Дўстлик, Бахт, Термизий, Баҳор, Адолат, Ғалаба, Янги обод, Янги ҳаёт, Шифокорлар-1, Шифокорлар-2, Муборак, Донишманд, Навбаҳор, Бўстон, Нарпай кўчалар<br>**“Наврўз” маҳалласи:** Учқун, Наврўз, Қизилқум, Гулзор, Халқлар Дўстлиги, Орзу, Камалак, Турон кўчалари | |
| 12 | 12-мактаб | **“Пахтаобод” маҳалласи:** Фаровон, Баркамол авлод, Мустақиллик, Боғи эрам, Ишонч, Эътиқод, Ҳунарманд (1-2-3), Файз барака (1-2-3), Ёшлар (1-2-3-4), Амир Темур(1-2), Тараққиёт(1-2), Партазор (1-2) кўчалари, Лангар ва Пахтаобод массиви | |
| 13 | 13-мактаб | **“Аллон” маҳалласи:** Тоғгузар-1, Тоғгузар-3, Янгиобод кўчалари<br>**“Нурафшон” маҳалласи:** Нурафшон, Подкорон кўчалари | |
| 14 | 14-мактаб | **“Арабхона” маҳалласи:** Дархон, Бободеҳқон қишлоқлари<br>**“Юқори буғ маҳалласи:**Юқори” буғ, Қуйи буғ қишлоқлари<br>**“Аллон” маҳалласи:**Тоғгузар қишлоғи | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 15 | 15-мактаб | **“Зиёкор”маҳалласи:**Алма ата, Ўриксзор, Саховат, Наврўз(1-28 хонадонлар), Катта қўрғон (38-110 хонадонлар), Чилангарлар, Ўзбекистон, Қосим Шайх, Чехова, Али Қушчи, Баҳор,Увайсий кўчалари<br>**“А.Навоий” маҳалласи:** Умид, Ойбек, Олмазор, А.Дониш, Муқимий кўчалари<br>**“Хўжа Хисрав” маҳалласи:** Пиллакорлик, Маърифат, Садоқат, Илғор, Бештут, Хамза, Фурқат, Чўлпон кўчалари<br>**“Каловат” маҳалласи:**Қиёт қишлоғи | |
| 16 | 16-мактаб | **“Дегарон” маҳалласи:**Тепа арик, Бозор жойи, Ҳовуз арик қишлоқлари | |
| 17 | 17-мактаб | **“Катта мачит” маҳалласи:** Хоссақўрғон, Чармгар, Анорзор, Катта ҳовли, Ёшлик кўчаси, Мичируни бўш ҳудуди<br>**“Талқоқ” маҳалласи:**Металлург профилакторияси ҳудуди | |
| 18 | 18-мактаб | **“Хончорбоғ” маҳалласи:** Хончорбоғ, Башир, Темиршайх, Туркман (эски) қишлоқлари | |
| 19 | 19-мактаб | **“Азамат” маҳалласи:** Азамат, Шеробод, Буркут кўчалари | |
| 20 | 20-мактаб | **“Юқори буғ” маҳалласи:** Паст қорақош, Юқори қорақош қишлоқлари<br>**“Аллон” маҳалласи:**Аллон, Янгиобод (1-59-хонадонлар) кўчалари<br>**“Нурафшон” маҳалласи:**Кичик поткорон кўчаси | |
| 21 | 21-мактаб | “”Шибзон” маҳалласи:Қиличобод, Олчин, Саккиз тўп, Тоқчи, Урганжи, Шибзон-1, Шибзон-2 қишлоқлари | |
| 22 | 22-мактаб | **“Пахлавон” маҳалласи:**Ўртақўрғон, Чалақўрғон, Арабхона қишлоғи<br>**“Дегарон” маҳалласи:** Арабхона, Янгиқишлоқ, Деггарон, Чуқурқишлоқ қишлоқлари | |
| 23 | 23-мактаб | **“Малик” маҳалласи:**Узумзор қишлоғи | |
| 24 | 24-мактаб | **“Хазора” маҳалласи:**Қатағон,Қаршилик,Боғот қишлоқлари | |
| 25 | 25-мактаб | **“Шибзон” маҳалласи:**Янги обод кўчасидаги 149 та хонадон | |
| 26 | 26-мактаб | **“Малик” маҳалласи:**Гулшан,Фарход қўрғонлари | |
| 27 | 27-мактаб | **“Сардоба” маҳалласи:** Бухоро, Беруний, Зарафшон, Гулистон, С.Айний, Баҳор, Хумо кўчалари | |
| 28 | 28-мактаб | **“Дўстлик” маҳалласи:** Мафтункор, Нодирабегим, Иқбол, Қурувчи, Нафосат,Улуғбек, Ипак йўли, Соҳибқирон, Ибн Сино, Дўстлик, Махтумқули, Бобур, Ғаровон, Мевазор, Истиқлол кўчалари, Юбилейни дала ҳовли | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 29 | 29-мактаб | **“Малик” маҳалласи:**Қалдирғоч қўрғони | |
| 30 | 30-мактаб | **“Боғишамол” маҳалласи:** Дўстлик-1, Дўстлик-2, Боғишамол, Алавиянка қўрғонлари | |
| 31 | 31-мактаб | **“Варқ” маҳалласи:** “Варқ” массиви | |
| 32 | 32-мактаб | **“Кумушкон” маҳалласи:**Баркамол авлод, Дўстлик, Кумушкон, Ипак йўли, Фаровон, Баҳор, Зарафшон, Наврўз, Мустақиллик, Истиқлол, Гулзор, Нурафшон, Обод кўчалари, Восход, Тюлпан дала ҳовлилари | |

**Туман ҳокимлиги бош мутахассиси**
**__________Б.Жўраев**

**Туман Халқ таълими бўлими**
**__________З.Остонов**